Дини мубини ислом, кўб амрларда (тахорат, намоз, гусл...) каби жумла мусулмонларни назофат ва покизалик ила юрмокларига буюруб ва шунинг учун «Буниял-исламу алан-назафати» - (Ислом покликка курилган - *Н. Н.*), «Ан-назафату шатр ул-имон» - (Поклик имоннинг бир бўлагидир- *Н. Н.)*
демишдур. Мундан бошка неча оят ва хадислар мазмунидан хифзи сиххат коидаларига риоят этуб либос, таом, уй, хатто кўчаларни покиза тутмогимизнинг лозимлиги англашилгон холда бизлар бул хусусда хеч бирисига ахамият бермай, киру ифлослик ила маишат этиб, ўзимизни турли дарду балоларга гирифтор ва нобуд этмакдамиз. Кунда ўн мартаба бўлса хам таом еярмиз. Унинг мижозимизга фойдалик ёки зараралигини харгиз ўйламаймиз. Холбуки, аксар хасталик бемавруд ва ё зараралик таом емокдан пайдо бўлур. Сув ичармиз ва анинг микруб (майда курт)лари ва нопоклигига диккат этмаймиз. Холбуки, аксар хавузлардаги сувнинг ярми курт бўлуб, ранг, бўй ва мазаси хам тагйир тобгандур. Мундай сувнинг кўб дардларга сабаб бўлиши маълумдур. Бухоро ахолисининг аксарият ила (дардчил ва ришта) хасталигига мубталоликлари ифлос сувларни ичмокдан бўлса керак. Яна бизларнинг жахолатимиздин нашъат этган бир одатимиз борки, мабодо касал бўлуб колсак, муолажа учун фолбин, кабристон ва азайимхонлардан маслахат ва шифо истаб бехуда ерда неча сўмлардан ажраймизки, агар бу окчаларни хозик, табиб - дуктур ва керакли доруларга сарф килинса, дарддин шифо топмак умидлирокдир. Холбуки, фолбинлар сўзига ишонмок шаръан дуруст эмас. Бас, аларнинг сўзи ила амал килмок кайда колди? Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи васалламнинг хасталар учун табибларга мурожаат этмокга буюрганлари, хатто ўзлари хам табиблардан дору сўраган-лари марвийдур. Бурунги асрларда уламои ислом тиб ва хифзи сиххат хусусида неча китоб ёзиб, бул муборак фаннинг тавсиъ ва такмилига хейли хизмат этмишлар. Аммо бу замонда бизлар тиб ва табиблардан кочиб, фолбин, раммол, кабристон ва дуохонларга сигинамизки, бу иш тарих ва улуми лозимадан хабарсизлигимизнинг аломатидур. Дуруст, хозирги мусулмон табиблардан кочмокка хам хаккимиз бор. Чунки буларнинг кўбиси илми тибдан бехабардурларки, дарднинг зўраймогига ва хастанинг тезрок охиратга сафар килдурмокга сабаб бўлмокдан бошка хунарлари йўкдур. Буларнинг максади эса пулга дору сотмок ва шунинг ила тирикчилик этмокдур. Лекин хакикий табиб ва дўктурга ружуъ килмок керакдур.

«Ойна» журнали, 1914 йил, 33-сон